А. ОРТИҚОВ

# КИНО КОМПОЗИЦИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

**Аслиддин Ортиқов**

# КИНО КОМПОЗИЦИЯ

*Ўқув қўлланма*

**ТОШКЕНТ**
**«Info Capital Group»**
**2018**

**УЎК: 778.53(075)**
**КБК: 85.14**
**О-75**

*Тақризчилар:* **Ж.Ю.Умарбеков** – Ўзбекистон ҳалқ рассоми, академик. “Театр безаги рангтасвири” кафедрасининг профессори;
**А.Гамиров** – Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти “Эстрада ва оммавий байрам санъати” кафедраси катта ўқитувчиси

**Кино композиция:** Ўқув қўлланма / Ортиқов А.; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти. – Т.: Info Capital Group, 2018. 112 бет.

Мазкур “Кино композиция” номли ўқув қўлланма асарнинг композицион маконий ечимларини, асар яратишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, кино рассоми томонидан бажариладиган тасвирий ечимнинг композицион қонуниятларини ўрганиш, фильм персонажлари ва образларига моҳирлик ҳамда эҳтиёткорона ёндошиш, композициянинг эстетик жиҳатларидан фойдаланиш ҳақида аниқ ва батафсил маълумот бериб борилади.

**УЎК: 778.53(075)**
**КБК: 85.14я7**

ISBN 978-9943-5341-0-9

© Ортиқов А., 2018.
© «Info Capital Group», 2018.



## КИРИШ

***“Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифамиздир”***
**И.А.Каримов**

“Кино композицияси” фанидан яратилган ушбу ўқув қўлланма ишчи дастур асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Республикамизда бадиий таълимислоҳотларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, ижодкор рассом кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса, фильмнинг тасвирий ечими асарини ишлашни ўргатувчи адабиёт сифатида зарурат катта. Фанни ўрганишда бўлғуси ижодкор мутахассислар кино санъатнинг анъаналарини ўргатиш, ҳамда ривожлантиришда ҳозирги замон кино санъатининг янги – янги поғоналарини эгаллаш, яратилган ва яратилаётган бадиий асарларнинг таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва

унинг бадиий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича амалий билимларини шакллантиради.

“Кино композицияси” фанининг мақсади, биринчи эскизлардан то Фильмнинг тасвирий ечими асарлари яратилгунча бўлган ўқитиш, яъни ўрганиш методик ишлаб чиқариш жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш.

“Кино композицияси” курсини ўқитиш жараёнидаги асосий мақсад - талабаларда ижодий фикрлашни ўстириш, рақобатбардош кино рассомлари мутахассисларини тайёрлаш, кино эскиз асрларини яратиш жараёнида вужудга келадиган барча саволларни мустақил ҳал қила оладиган профессионал маҳоратга эга бўлиш хислатларини ўстиришдир. Шунингдек, эгалланган билимларга таяниб, ўқув режасидаги иҳтисослик бўйича фильмнинг тасвирий ечими турли усул ва услубларни чуқур ўзлаштириш, буларнинг декоратив ва пластик имкониятларини ўрганиш ва шу билан бирга замонавий талабларга жавоб бера оладиган ва юксак дид билан бажарилган кино асарлари эскизларини яратишдир.



Кино композицияси асосан филъм экранида асарни экранлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Экранлаштиришдан аввал кино композицияси қурилмалари тайёрланиб, унинг мизан саҳналари аниқланади. Режиссёр ва операторлар билан кино рассом келишган ҳолда ва ҳамкорликда иш кўришиб воқеанинг ҳолати кўриб чиқилади. Объектдаги масштаб пропорцияси ҳамда кино павилионда қўйиладиган отрибутлар, жихозлар, реквизитлар текширилиб, режиссёр билан кино рассом бир қарорга келганларидан сўнг суратга олиш ишлари бошланади. Технологик жараёнда макет, эскизлар, картон, қоғоз, туника, сим, гипс, елим, қамич, ёғоч қирқимлари, қипиқ, пенопласт каби ашёлардан тайёрланади. Кино композициянинг аҳамияти

шундаки, кино павилион қурилмаларида хато камчиликлар бартараф этилиб, бюджетига зарар етмаслиги назарда тутилади. Кино композиция қурилишида модернизацияга алоҳида эътибор берилиб, жахон филъмларининг ютуқларидан унумли фойдаланилади.

Композиция – бу макон, шакл, образ, замон ва вақт ўлчамларидан иборат бўлган экрандаги яхлитликдир. Ўқув қўлланма бўлажак кино рассомининг ўқув жараёнида мутахассис сифатида шакллана бориши учун асосий вазифани бажаради. Талаба курсдан-курсга ўтиш вақтида композиция асосларининг тенденциялари ва қонуниятлари билан танишиб боради. Ушбу дастур назарий хамда амалий таълим йўналишидан иборатдир. Юқорида кўрсатилган машғулотлар замонавий кино экран безаги санъатининг барча талабларига жавоб беради. Улар жаҳон таълими андозалари ва олий ўқув юртлари тажрибалари асосида тузилган бўлиб, К.Беҳзод номидаги МРДИ таълим даражасига мослаштирилган. Ўқув жараёнида талабага китоб манбаларидан юқори даражада фойдаланиш – яъни ашёлар базасини ортириш ва фикр юритиш қобилиятини ўстириш каби талаблари асосида ёндошилади.

Композиция фани кино рассоми учун асосий мутахассислик фани бўлиб, бошқа мутахассисликлар дастгоҳли, маҳобатли рангтасвир ва бошқа мутахасисликлар композициясидан тубдан фарқ қилади. Композицияда ритм, пластика ҳаракат ва макон машқларидан кейин, саҳнавий асарларга мурожат этганда композицияга “сценария” ва  адабиёти асослари қўшилади. Бу икки улкан фанларни қўшилиши натижаларида: тарихнинг даврлари ва оқимларига, этнография меморий услублар асосида композиция ечими қурила бошланади. Буларнинг барчаси фильмда  асар ғоясининг тасвирий ечимини топишга ёрдам беради. Натижада сценарий ғояси, режиссёр амалиёти, кино рассом амалиёти, актёрлар ҳаракати, вақт, чироқ ёруғликлари ёрдамида  филмнинг тасвирий ечими пайдо бўлади. Мазкур ўқув қўлланмада асосан 1-босқичнинг 1-2-семестларидаги мавзулар ёритилган.

**Фаннинг якка машғулотлар мазмуни.**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиатаълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Асарнинг композициясига тааллуқли бўлган ҳаётийлик ва реалистик ҳолатлари мисолларидан кенг фойдаланилади. Шу билан бирга ижодкор рассомнинг композиция фанини пухта эгаллаши масалалари унинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлайди.

“Кино композицияси” фанининг мақсади, биринчи эскизлардан то Фильмнинг тасвирий ечими асарлари яратилгунча бўлган ўқитиш, яъни ўрганиш методик ишлаб чиқариш жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш.

“Кино композицияси” курсини ўқитиш жараёнидаги асосий мақсад - талабаларда ижодий фикрлашни ўстириш, ракобатбардош кино рассоми мутахассисларини тайёрлаш, кино эскиз асрларини яратиш жараёнида вужудга келадиган барча саволларни мустақил ҳал қила оладиган профессионал маҳоратга эга бўлиш ҳислатларини ўстиришдир.

Курснинг асосий мақсади – бу эгалланган билимларга таяниб, ўқув режасидаги иҳтисослик бўйича фильмнинг тасвирий ечими турли усул ва услубларни чуқур ўзлаштириш, буларнинг декоратив ва пластик имкониятларини ўрганиш ва шу билан бирга замонавий талабларга жавоб бера оладиган ва юксак дид билан бажарилган кино эскиз асарларини яратишдир .

1–курс (2 - семестр)
Якка тартибда 1х

| № | Мавзу ва вазифалар | Жами соат | Якка машғулот | Мустақил таълим |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Дарахт, тош, булутлар ёрдамида образлар яратиш | 4 | 3 | 1 |
| 2. | Қуёш чиқиш ва ботиш ҳолатларини аниқ тасвирлаш | 4 | 3 | 1 |
| 3. | Ўзбек халқ миллий эртаклари | 4 | 3 | 1 |
| 4. | Эртак асосида раскадировка ишлаш | 4 | 3 | 2 |
| 5. | Фильм эскизларининг бадиий ечими | 5 | 3 | 2 |
| 6. | Персанаж либосларининг бадиий ечими | 5 | 3 | 2 |
| 7. | Қисқа жанрлар: Ҳикоялар, қиссадан парча | 6 | 4 | 2 |
| 8. | Мавзу асосида материал жамлаш | 6 | 4 | 2 |
| 9. | Асар жанрининг бадиий ечими | 6 | 5 | 2 |
| 10. | Фильм ечими асосида раскадировка вазифаси | 6 | 5 | 3 |
| | **Жами:** | **54** | **36** | **18** |

## ДАРАХТ, ТОШ, БУЛУТЛАР ЁРДАМИДА ОБРАЗЛАР ЯРАТИШ

***“Кино композицияси” фанида “Фильмнинг тасвирий ечими” йўналиши талаблари республикамизда бадиий таълим ислоҳотларини янада чукурлаштириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, ижодкор рассом кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айникса, Фильмнинг тасвирий ечими соҳасида композициянини ўргатувчи фан сифатида долзарбдир.***

### Композицияни ифодаловчи воситалар.

**Композиция.**

Композиция - (лотича сўз бўлиб “componere”- йиғмок, қурмок) - деган маънони бидириб, тасвирий санъатда жуда кўп ишлатиладиган атама ҳисобланади. Композиция турли шакл ва қисмларни бирлаштирувчи, яхлитловчи, маълум бир ғояларни аниқ тасвирловчи жараёндир. Композиция атамаси иккита кўринишда қўлланилади;

- бу, бирор бир мақсадга йўналтирилган ва унинг барча жихатларини, характерини очиб берувчи бадиий асар қурилмасидир;
- бу, асосий жараённи ташкил этувчи, бадиий шакллар орқали асарга ранглар уйғунлиги ва яхлитликлари компонентларининг бир-бирига бўйсинувчи бадиий асар “атрибути” дир.[1]

---

[1] Ҳасан Аминов. Композиция. 2016. 19 б.

**Ритм.**

Ритм - асарнинг у ёки бу композицион элементларининг муайян шакл ва меъёрда такрорланиши, уйғунликдаги яҳлитликнинг аниқ, табиий мутаносиблигига олиб борувчи ўлчамлар мароми. Ритм қоматлар, шакл, предметлар, чизги, ҳаракат, нур-соя ва ранг доғлари, фазовий планлар ва ҳ.к. лар орқали белгиланиши мумкин.

**Компоновка.**

Компоновка - бу композицияда иштирок этаётган барча буюмларни мато ёки қоғоз юзасига тўғри жойлаштириш жараёнида тасвирланаётган буюмларни шакл ва ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришдан иборат.

**Динамика.**

Динамика - композициядаги ҳаракатни шакллантирувчи жараён. Композицияда ўлчамлар динамикаси бурчак остида шаклларнинг ўлчам томонга чўзилган шаклларини кучайтириш ва уларни марказдан узоқда жойлаштиришдан иборат.

**Контраст.**

Контраст - бир биридан кескин фарқ қиладиган, турли шакл ва характерга эга бўлган буюмлар. Контраст шаклларнинг турли сезилар – сезилимас фарқланиш муносабати хусусиятларига, алоҳида эътиборни қаратган ҳолда шаклларнинг бир биридан жуда кам фарқланадиган, таққослаш хусусиятлари орқали уларнинг бир бирига ўхшаш томонларини эса, аниқлаш жиҳатидан жуда кўп фарқ қилади. Шаклларни бир биридан фарқлаш, композицияни қуриш (постраения) пайтида мукаммал ритмнинг бир хил оҳангдаги жарангдорлиги орқали фарқланади. Шакл уларни бирлаштирган холда, уларни ўта кучли ва тасуротли қилиб кшрсатади. Контраст – бу асосий қисм, ҳажм, ўлчам, ранг, ўзига хослиги (фактура) ва йўналишлардан иборат.

**Ҳолат.**

Ҳолат - ўлчамда у композициянинг уфқ ёки тикка чизиқ бўйлаб шакллар жойлаштириш бир вақтнинг ўзида, у ёки бу томонларни ўлчамнинг параллел томонлари даражасига кўтарилади. Композиция ҳолатини квадрат ёки айлана шаклларнинг марказга жойлаштириш орқали кучайтириш мумкин.

**Динамика.**

Динамика - композициядаги ҳаракатни шакллантирувчи жараён. Композицияда ўлчамлар динамикаси бурчак остида шаклларнинг ўлчам томонга чўзилган шаклларини кучайтириш ва уларни марказдан узоқда жойлаштиришдан иборат.

**Пропорция.**

Пропорция - икки ўлчамдаги буюм қисмларининг бир бирига бўлган муносабати. Катта шаклдаги буюмларнинг, кичик шаклдаги буюмлар орасидаги фарқи ва улардаги майда қисмларнинг ўзаро катта шаклларга бўлган муносабатлари тушинилади.

**Симметрия.**

Симметрия - бир хил кўринишдаги элементларнинг юза текслигидаги нуқтага нисбатан симметрик жойлашишидир. Таянч ёки юза симметриясидаги барча элементлар, марказ бўйлаб фигуранинг бурилиши натижасида бир бирини тўлдиради. Симметрия асосан композициянинг бадиий ечими ва унинг юқори даражага кўтарилишида асосий вазифани бажаради.

**Асимметрия.**

Асимметрия - бу маълум бир таянч нуқтаси ёки юза симметрияси бўлмаган тексликда барча элементларнинг бир бирига мос келмаган холда, номутаносиб жойлашув жараёнидир. Бу каби композицияларда асосий шаклга эришиш учун албатда, томошабин нуқтаи назаридан унинг барча қисмлари, жумладан оғирлиги, фактуравийлиги, ранг баранглигини хисобга

олиш зарур. Тузилиши қийин бўлган композицияларда элементларнинг симметрик гурухлари, ассиметрик элементлар билан ҳамоҳанг бўлиши керак.

**Масштаб.**

Масштаб - шакллар ва уларнинг элементларини теварак атрофга, одамга ва бошқа барча шаклларга бўлган муносабатларининг ўлчамига айтилади. Ўлчамни ҳис қилиш – оламни табиий (реаль) қабул қилиш, бу аниқ баландлик ва улардаги алоҳида ўлчам кўринишларидир.

**Ранг.**

Ранг - унинг хусусияти ва спектрал тузилишига мувофиқ томошабинда ўзгача бир хиссиёт кашф этади. Ранг – композициянинг фаол воситасидир. [2]

**Раскадровка .**

Раскадровка – бу тасвирга олиниши керак бўлган фильм, мультфильм ва бошқа тасвирланиши керак бўлган сюжетларнинг кетма кетликда бажарилган чизматасвири.[3]

***Юксак ечимга эга композициялар чуқур тааъсурот қолдириши мумкин, агарда кадрда ўлчов шкаласи ва объектларнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлса. Ўлчамларни аниқ олишда инсон қомати катта аҳамиятга эга бўлиб, объектдаги бошқа предметларни жойлаштириш инсон қоматига таққосланган ҳолда яратиш мумкин.[4]***

Дарахт ҳаётимизда ҳар куни учрайдиган манба, ҳар бир рассом дарахтни тасвирлашда турлича уни талқин қилади, бунда биз энг аввало табиатда теварак атрофимизда, табиатдаги дарахтлар, тошлар, тўнка, булут ва бошқалар ёрдамида раскадровкалар яратишга ҳаракат қиламиз. Биз бунда танлаган нарсаларни ҳолати, тузилишига алоҳида эътибор қилишимиз лозим.[5] 1- 2 расмлар

---

[2] Ҳасан Аминов. Композиция. 2016. 19 – 23 б.
[3] Ҳасан Аминов. Композиция. 2016. 28 б.
[4] Peter Ward. Picture compositon for film and television. 2002.84 - 89 pages.
[5] Ҳасан Аминов. Композиция. 2016. 31 б.



1- расм





2- расм.





3- расм.

Фильмнинг тасвирий ечими эскизларини яратишда ёритиш ва висуал боғликлик контраст маъносини англатади. Асосан кино эскизнинг ҳолатини чиқаришда нур контрастининг аҳамиятини оширишда ишлатилади. Йўналиш нур манбалари бошқариш тарқоқ, одатда, осонрок бўлади. Шунинг учун, фақат маълум қопланган юзаси, манбалари ёритиш орқали ишлатилади. Бирок, ўткир контрастли тасвир, кайси муҳим элементлар, сунъий кўриниши мумкин ёки сунъий, объектлар кундалик хаётда эмас, балки атайлаб шундай аник ёритилган.





4-расм.

# ҚУЁШ ЧИҚИШ ВА БОТИШ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚ ТАСВИРЛАШ




8-расм

Фараз қилинг қуёшнинг ботиши ва уни эрталаб чиқишини қай тарзда кечади. Сиз буни хеч кузатганмисиз ? Бу пайитда осмон қандай холатда бўлади ? Энди эса “Субхидам” ва “Сўнгги шафақ” мавзуларига раскадровкалар яратишга харакат қиламиз. Кўз олдингизга эрталаб булутлар орасидан ўзининг заррин нурларини таратиб қуёш чиқиб келмоқда, атроф жимжит. Узоқда қушларнинг сайраши ва ўт-ўланлар орасида хашоратларнинг шитирлаши эшитилади… Бу эса рассомга ижодий завқ бағишлайди.[6]

***Ранг ва композиция яратиш қийинчилиги сценографнинг санъати хисобланади. Қачонки матн ва фазо ўйинлари маълум бўлса, сценограф учун кейинги муаммо фазо ўйинларини саналар ва шакллар билан тузмоғи ва бўямоғи, кўз билан қараб қилинган конверт учун ишлар яратишдан иборат. Кинетик композиция таркибининг ҳамма босқичида ўрнатилган ёки жойини ўзгартириш қисми шунда кўринади. Интеграция таркибида рассом томошабиннинг кўз ўнгида саҳнанинг хар бир қисми қайси вақтни***

[6] Ҳасан Аминов. Композиция. 2016. 32 б.

***кўрсатишга лозим бўлса, шу прогрессдан келиб чиққан холда фокус орқали намоён этиб беради. Фазо таркиби яратилишида сценограф иккаласини хам кўрмоғи ва ҳис қилмоғи лозим. Рассомчиликда натюрмортга фазосининг шаклланиш билан беряпти озодликни, ўйнамоқ билан ўлчамда ва ранг билан қандай танланган объектлар бўлган эдилар. Томошабин кўз орқали кўрадиган холатни рассомга қандай бўлмасин хикоя тарихини кўз олдига келтириб нима кўзда тутилаётган бўлса, шуни акс эттиради[7].***

Агар лойиҳа фотография ривожлантиришдан олдинги вақт ичида рўй берадиган бўлса, расмлар бир бош тадқиқот манбаидир. Ҳар бир йирик шаҳар музейларида илхом билан тўлдирилган қимматли ва тарихий маълумотлар бор. Шунинг учун почта рўйхатлари ва веб сайтларда кўргазмаларни кузатиш мумкин. Келажакда суратлар ажойиб ресурс бўлиши мумкин[8].



9-расм

Қуёш ботиши билан коронғи кучларини ва дўзах каърига бошқа ёвуз рухлар келади деган фикрни спанед лекин у охирида унинг китоб ва филм

[7] WHAT IS SCENOGRAPHY?. Pamela Howard. London and New York. First published 2002 by Routledge 11 New Fetter Lane, London, EC4P 4EE. Page.72.
[8] The Fimmaker's Guide to Production Desagn. Vincent LoBrutto.2002. Chapter 3/ page 35.

мослаштириш Алацакаранлик надмозговитая барча жаханнам, эр юзига келишидан трешовйх кўп псевдо-дахшат филмлар. Шафагъи кадар шом коронгъуси Фром Цлассиц Тхе Вампире камалакни юборди. Бундан ташкари, куёш ботиши, бу якин орада барча севимли сендвич назорат килиш учун яна бир кеча кутиб ва хомиладор аёллар учун форумларда ўз-ўзини хурмат ошириш билиш беради.

***Чизмалар – композиция яратишнинг энг мақбул исботи ҳисобланиб, томобинлар диққатини жалб этган ҳолда, қуришда фойдаланиш мумкин. Ҳар қандай элементни, тасвирлашда, жойлаштиришда, чизиқлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади, якунида бир элемент бошқа элементлар билан бирлашиб, объект тасвирининг марказини ташкил этади. Бир жойдан бошқа жойга чизиқлар йўналади. Чизиқлар реал ёки имконият нуқтаий назаридан жойлаштирилади. Амалиётда биз бошқа композицияларда чизиқларнинг аниқ талқинини кўрибгина қолмай балки кўз нигоҳи асосий қисмга қаратилганлигини кўрамиз, масалан: нигоҳнинг қаҳрамонларга қаратилганлиги.***[9]

TrustNo1 специально для DayFun.ru



10-расм

Нима сиз куёш ботиши пайтида, албатта, мумкин:

[9] Peter Ward. Picture compositon for film and television. 2002.70 -72 pages

• хар бир кун кўриш мумкин феномени, таслим, лекин хар ким ўз башар муаммолари билан банд, чунки, дунёнинг деярли бир саккизинчи ажабланарли уни кўриб сизнинг киз ёки йигит катнашди ва бахт бахам. Кейин сиз, эхтимол, ха нарса перепадет.




11-расм

• кранлар муваффакиятсиз самолёт йўловчи парвоз учрашди, ва помидор бир соя айланди, чунки аслида осмон, кизил, деб такдим этган. якин орада ок халат, ок эркаклар билан ок Хоналар кизил куёш ботиши дуч келади, чунки кўшнилар билан бахам бундай тушлар, бунга лойик эмас.




12-расм

• бир неча ёмон Хоку ёки ок шеър ёзиб бўлиб, буюк ёзувчи бир мартаба бошлаш, бир ла кофияни гўзал гъояси, керак ўзи сахифа аср устига кўйди ва руй зхивим йилда калбларни барча юбориш ишонч хосил бўлма. , Ижобий герибилдирим бир пода тинглáнг улар карама-карши жинсдаги бор ишонч хосил килиш ва менинг мушук уни багъишлашга.

Биз энди фотошоп бир куёш ботиши чизиш давом керак. Бу дарс этарлича содда, ва у хатто бир Ажам билан энгиш мумкин бўлади. Кани, бошладик!




13-расм

Мен калам ёки бўёклар билан чизилган бўлса, бу эрда ишлатилади методларни хам фойдаланиш мумкин, деб таъкидлашни истардим. Бундан ташкари, куёш ботиши, сиз хам сичконча билан чизиш мумкин. Агар график планшет йўк бўлса, шунинг учун - Хавотир олманг, бу осонлик билан биз у холда жуда яхши бошкариладиган, бартараф этилади.




14-расм



15-расм

Сизнинг фото мухаррири янги хужжат яратинг. коронгъи ранг катлами ва чўтка билан унинг устига кизил бўёк, куйи кисми устидан босим, кўк бўёк караб унинг хиралик ўзгартириш - бу эрда биз денгиз чизиш. осмон денгиз билан богълик бўлса, биз кўк ва кизил ранглар бир оз аралашган бўлади, шундай килиб, нима. Кейинги боскич - куёш. Йўк, биз уни сарик килиш, ва сарик-сарик, тўк рангли яхширок фойдаланиш бўлмайди.

Фотошоп бир куёш ботиши чизиш кандай Барча Шу чўтка, факат унинг диаметри камайтириш, чизиш давом этмокда. Ушбу боскичда, биз бир ёркин сарик ранг танлаш ва куёш ёркин спот бўёк ва денгизда сарик чизиклар. кўк билан аралаштириб бир оз бўлур боскичларида бир куёш ботиши чизиш

кандай. Кесиб сарик чизиклар ёркин кўк хира. Ёркин апелсин бўёк тўлкин армалар. Хабарнома, улар уфкка кисиб керак.

***Агар лойиха фотография ривожлантиришдан олдинги вақт ичида рўй берадиган бўлса, расмлар бир бош тадқиқот манбаидир. Ҳар бир йирик шаҳар музейларида илхом билан тўлдирилган қимматли ва тарихий маълумотлар бор. Шунинг учун почта рўйхатлари ва веб сайтларда кўргазмаларни кузатиш мумкин. Келажакда суратлар ажойиб ресурс бўлиши мумкин[10].***



16-расм

***Барча хомаки чизмалар, моделлар ва лойиха тузиш санъат бўлими ва энг функционал тўлиқ жихозланган санъат бўлимлари ташкил қилинган студияларда фойдаланишингиз мумкин. Мустақил кино фильмлар учун студияларни хар қандай жойда ташкил қилиш мумкин: ташқарида,бир жойни ижарага олиш орқали бир уйда ёки квартирада. Бунинг учун баъзи ишлаб чиқаришга асословчи материаллар, сиёх, қалам, акварел, қалам, фломастер ёки бошқа бўёқ воситалари ва стол керак***

[10] The Fimmaker's Guide to Production Desagn. Vincent LoBrutto.2002. Chapter 3/ page 35.

***бўлади. Дўконларда сифатли санъат ашёлари билан таниш бўлинг. Булар бюджет учун керакли махсулот[11].***

## ЎЗБЕК ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЭРТАКЛАРИ

Эртаклар дунёдаги бошқа халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалганидек, ўзбекларда ҳам энг оммавий жанрлардан бири сифатида турли вилоятларимизда яшайдиган юртдошларимиз томонидан севиб айтиб келинган. Уларнинг жуда қадим замонлардан яратилганини «эртак» атамасининг Маҳмуд Кошғарий томонидан 1074 йилда ёзилган «Девону луғоти-т-турк» асарида «этук» тарзда қўлланганидан билса бўлади: «Этук – ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам бу сўз қўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган» . Бу жанрнинг қадимийлигини қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа бир қатор туркий халқлар оиласига кирувчи миллатлар оғзаки ижодида ҳам эртак деб аталиши, исботлаши мумкин. Шунингдек, мифлар, афсона, ривоятлар ҳақида фикр юритганимизда, диффузион жараённинг кейинги босқичи эртак эканлигини эслатиб ўтганмиз. Демак, агар халқимиз оғзаки ижодини қадимги қадриятлар сифатида эъзозласак, бу хазинанинг ноёб дурдонаси сифатида ҳеч иккиланмай эртакларни қайд этиш мумкин экан.



17-расм

[11] The Fimmaker's Guide to Production Desagn. Vincent LoBrutto.2002. Chapter 5/ page 43.

***Томошабинлар бинобарин, ўзларига хикоядан маънавий ва ғоявий озуқа олади, тасвирни ривожлантиришнинг турли томонларини кўриш мумкин декоратциялари ва костюмлар, макияж, боскичлари, ёритиш ва камера бурчаги хикоянинг асосий мазмун моҳиятини ташкил этади. Бу хар бир босқичнинг мукаммал танланганлиги назоратнинг юқори даражада бўлганлиги директорининг тўғри қарори натижасидир. Бу бахтли - бахтсиз ходисалар бўлмаслиги керак, деб ўйлаш мумкин, лекин тарихида эса камера иш кино ва телевидениеда, тескари бир томонлари мавжуд.***[12]

Халқ эртакларимизнинг бадиий ижод намунаси сифатидаги жанр хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Эртаклар халқ оғзаки ижодининг эпик жинси (тури)га мансуб.
2. Эртаклар, асосан, насрда яратилади. Фақат айрим асарлардагина («Ёрилтош», «Тоҳир ва Зуҳра» ва б.) қўшиқни эслатувчи шеърий парчалар учрайди.
3. «Бир бор экан, бир йўқ экан» бошламаси ва «мурод-мақсадига етибди» якунланмаси эртакларнинг анъанавий белгиси ҳисобланади.



4. Хаёлий-фантастик тасвир эртаклар сюжетида қўлланадиган устувор усулдир.
5. Эртакларнинг умумий мазмунида IMF формуласи доимий такрорланади. Ҳар бир эртак I – инициал – бошланма; M – медиал –

[12] Peter Ward. Picture compositon for film and television.2002.103-104 pages/

асосий қисм; F – финал – якунланмадан иборат бўлади.

***Фигуралар экран юзасида кўринади, чизиқлар, шакллар билан қопланган икки ўлчовли макон ва ёрқин петнолар ҳоказо контрастли рангларга эгадир. Кадрда ҳар қандай мос қисмлар рамканинг умумий шаклини ҳосил қилади.***[13]

Эртакларнинг мифлардан ижод усулини ўзлаштирганлиги ҳақида фикр юритган эдик. Бу анъана ўзбек халқ эртакларининг умумий мазмунида бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Эҳтимол, бу жанр асарларининг яшовчанлигини таъминлаган асосий хусусият ҳам шундан иборатдир. Халқ ўз эртакларида чегарасиз равишда хаёлот оламини кезиб чиқади. Яъни уларда халқ фантазияси маҳсули бўлган чегара билмас уйдирмалар, трансфигурация (бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш) ҳолатлари тингловчини ўзига жалб этади. Ваҳоланки, эртак бошланмаларидаги “Бир бор экан, бир йўқ экан, бир оч экан, бир тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан...” (олимлар бошланмадаги таркибий “экан” қисмларнинг 20 га яқин бўлишини белгилашган) ибора ва жумлалар мутахассислар фикрича, эртакда баён қилинган воқеаларнинг аслида умуман бўлмагани ва рўй бериши мумкин эмаслигини англатар экан. Ҳақиқатан ҳам, достонларда биз бу мазмундаги бошланма – зачинларни учратмаймиз. Шу боис одатга кўра достонлардаги воқеалар ҳаётда бўлган деб қабул қилинади. Эртакда эса тамом бошқа ҳолат ҳукм суради. Чунки бу жанр бошланмасидаги “бор-йўқ”,



[13] Peter Ward. Picture compositon for film and television. 2002. 28 page.

“оч-тўқ” сўзларининг ўзи ҳикоя қилинаётган воқеага нисбатан шубҳа уйғотади. Аммо масаланинг қизиқ томони шундаки, воқеа бошланмасдан атайин шубҳа уйғотишга бўлган ҳаракат тингловчига деярли таъсир қилмайди. Биз эртаклардаги уйдирмаларга тўла ишонамиз, асар қаҳрамонларининг тақдирига бефарқ қарай олмаймиз, севикли малика ёки чўпон муваффақият қозонса, бу ғалаба ўзимизникидек қувонаверамиз.

Халқ эртаклари мазмунида ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаётнинг ҳамма масалалари ўз ифодасини топади, десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам ер юзининг ҳамма минтақаларида яшайдиган халқларда умумий ҳаёт тарзи яқин бўлгани сабаб бир хил мазмундаги эртаклар кўп учрайди. Француз, инглиз, хитой, япон эртаклари аксарият ҳолларда ўзбеклар ижодидаги бу жанрдаги асарлар мазмунини такрорлайди. Фақат французларда пишлоқ, узум; хитойларда гуруч; ўзбекларда тухум ёки қатиқ каби нарсалар фарқи сезилади. Агар бошқа хақлардаги эртаклар матнида шу ёки бошқа нарсалар номини миллий предметлар билан алиштирсак, кўпинча, бошқа халқлар намуналари ҳам ўзбекники бўлади-қолади. Бу ҳолат сабабини аввал қайд қилганимиздек, бир халқдан иккинчи халқнинг ўзлаштириши деб эмас, умумий ҳаёт тарзининг яқинлиги билан асослаш маъқулроқдир. Масалан, ёқут халқидаги “Бекинмачоқ”, руслардаги “Ўн икки ой” (“Морозбобо”) ва ўзбекдаги “Зумрад ва Қиммат” эртакларида



воқеа тугунидан тортиб ечимигача бир хил йўналишда кечади. Аммо бу асарларнинг ҳар бири бевосита ўша халқ ижоди намунаси деб тан олинади. Ўзбек фольклоршунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшган Мансур Афзалов ўзбек халқ эртаклари юзасидан илмий иш ёзар экан, бу жанрнинг ўрганилиши тарихига алоҳида тўхтаган. Олимнинг маълумот беришича, ўзбек эртакларига бўлган илмий эътибор XIX аср иккинчи ярмидан бошланган. Бу ўринда А.А.Кушакевич, Н.Лапунова, А.Васильев, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд каби бир қатор зиёли ва таниқли олимлар исмлари келтирилган. Шунингдек, «Фарҳод ва Ширин», «Ширин қиз», «Самарқанд», «Шаҳзода Назар Муҳаммад ва Малика Назарбиби», «Аннамурод бова ҳақида», «Эрни эр қилган хотин», «Донишманд Чўпон» каби афсона ва эртаклар матнларининг ёзиб олиниши, дастлабки тадқиқ қилиш жараёни ҳақида маълумотлар қайд этилган.

Ўзбек эртаклари ўз вақтида Миён Бузрук Солиҳов, Ҳоди Зарифов, Холид Расул, Буюк Каримов каби олимлар томонидан ўрганилган. Кейинчалик бу фаолиятни К.Имомов, Т.Ғозибоев, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Ҳ.Раззоқов, Ж.Юсупов каби олимлар давом эттиришди.

Халқ табиатан ҳамиша адолатни ёқлайди, ҳимоя қилади. Эртаклар яратилиш жиҳатдан мифларга асосланса, мавзунинг танланиши, образлар тизимидаги йўналишлар, ҳаёт муаммоларини акс эттиришда адолат мезонига бўйсунади. Қаллоблик, виждонсизлик, хиёнат, ёлғончилик, маънавий нопоклик каби иллатлар доимий равишда қораланади. Мардлик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик, иймонлилик, поклик фазилатлари ҳурмат билан тилга олинади. Воқеанинг тугуни ҳам ҳамиша ана шу фазилатларни улуғлаш билан ечимини топади. Моҳир халқ фарзандлари томонидан ўйлаб топилган фантастик ҳодисалар, уйдирма лавҳалар, сеҳрли нарса-буюмлар, жодулар, ғайритабиий ҳодисалар эса том маънода ёвузликнинг қораланиши, эзгуликнинг мақталишида поэтик хомашё сифатида фойдаланилади.

Халқ эртакларининг мазмун ва ҳаётдаги воқеаларни тасвирлаш йўналишига кўра уч тури мавжудлиги М.Афзалов, К.Имомов томонидан

кўрсатиб ўтилган. Бу таснифга кўра эртаклар сеҳрли ва ҳаётий турларга бўлинади. Аммо айрим адабиётларда ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли, маиший турларга бўлинади. Мансур Афзалов таснифида яна ҳайвонлар, сеҳрли-фантастик, ҳаётий-сатирик турлар ҳам кўрсатилган. Умумий таҳлилнинг осон ва тушунарли бўлиши учун биз ана шу таснифга биноан иш кўришни маъқул топдик.

Эртакларни тасниф қилиш қанчалар мураккаб эканлигини уларни таҳлил қилиш жараёнида ўзингиз англаб етасиз. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларни айрим мутахассислар сеҳрли-фантастик эртаклар туркумига мансуб ҳисоблайдилар. Хусусан, К.Имомов, Ғ.Жалолов ўзларининг тадқиқотларида ҳайвонлар иштирок этадиган эртакларни сеҳрли



эртаклар қаторида таҳлил қиладилар. Бу асарларда ҳайвонлар иштироки, уларнинг асар қаҳрамонлари билан суҳбатда бўлишлари олимларнинг сеҳрли эртаклар деб аташларига асос беради. Биз бу атамани шартли равишда қабул қиламиз, чунки сеҳрли эртакларнинг ҳайвонлар иштирок этмаган мазмундагилари ҳам етарли бўлиб, уларни алоҳида таҳлил қилиш мумкин. М.Афзалов ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг ўзида турли фарқланувчи асарлар борлигини қайд этади. Уларнинг биринчи турига мифологик мазмун ифодаланганларини қўшади.

Маълумки, қадим замонлар тотемизм ва фетишизм тушунчаси нуқтаи назаридан аждодларимиз ҳар бир нарса-предметни, шу жумладан, ҳайвонларни ўзларига ҳомий деб билганлар. Улар тасаввурида одамлар тотем ва фетиш ёрдамида муайян ютуқларга эришишлари мумкин ҳисобланган. Бу

ҳақда мифлар ҳақида тўхтаганимизда ҳам маълумот берганмиз. Ўзбек аждодлари бўри, илон, от ва бошқа бир қатор ҳайвонларни ўзларига ҳомийлик қилишини руҳан ҳис этганлар. Эртакларнинг дастлабки намуналарида айнан ана шу дунёқараш асосида асарлар яратганлар. «Бўри», «Чўлоқ бўри», «Илон оға», «Айиқ полвон» каби эртаклар шулар жумласидандир. «Қуёш ерининг паҳлавони» эртагида она айиқ Рустамни парвариш қилади, унинг ҳаётида ҳомий сифатида ўрин эгаллайди: Рустам ва отаси – ямоқчи чолга қўлидан келганча яхшиликлар қилиб душмандан асрайди. Мансур Афзалов «Илон оға» эртагини алоҳида ажратиб кўрсатади: "Илон – куёв ниқобини олса, инсонга айланади. Қиз илоннинг ниқобини куйдириб юборса, у каптар бўлиб учиб кетади. Илон оғанинг онаси ва холаси ялмоғиз кампир бўлади. Улар Илон оға билан қизга кўп тўсқинлик қиладилар. Лекин Илон оға ва қиз ўз тадбирлари орқали ялмоғиз кампирни енгиб, мурод-мақсадларига етадилар".




Хусусан, «Чўлоқ бўри» эртагида подшоҳнинг кенжа ўғли афсонавий тилла қушни олиб келиш учун сафарга чиққанида чўлоқ бўрига дуч келади. Унга нон беради. Бўри ундан ёрдамини аямайди. Қуш учун сафарга чиққан бола бир қиз ва от билан уйига қайтади. Йўлда акаларининг ҳолидан хабар олади. Аммо акалари унинг кўзларини ўйиб, чоҳга ташлайдилар. Эртак охирида кенжа ўғил барибир мурод-мақсадига етишади, акалари жазоланадилар . Бу турдаги эртакларнинг моҳияти тотем ҳисобланган ҳайвон ва қушларнинг асар қаҳрамонига ўзларининг сеҳрли фазилатлари воситасида ёрдам бериш билан изоҳланади. Шу мазмундаги яна бир эртак «Кенжа ботир» деб аталади. Унда ҳомий сифатида от қатнашади. Ҳайвонлар

ҳақидаги эртакларнинг яна бир турида мажозий фикр юритиш усули устувордир. Бундай эртаклар фарзандларга панд-насиҳат, тарбия бериш мақсадида яратилган. Ҳар қандай вазиятда бирга бўлиш, дўстликни қадрлаш кераклиги эртакнинг бош ғоялари ҳисобланади. Инсон бир-бирига яхшилик қилса, албатта, ўзининг орзусига етишади, деган фалсафа асосида тўқима воқеалар, қизиқ-қизиқ образлар ўйлаб топилади. «Сусамбил» эртаги ана шундай асарлар қаторидан ўрин олган. Ҳўкиз, эшак афсонавий Сусамбил шаҳрида эркин, тўкин ҳаёт кечирмоқчи бўладилар. Уларга хўроз, каламуш, арилар эргашадилар. Узоқ қийинчиликдан сўнг мақсадга етадилар. Аммо бу ерда уларга бўрилар ҳужум қилади.

Шунда хўкиз уларни сузади. Каламушлар ер ковлаб, бўриларни гўрга тиқмоқчидек қўрқитадилар. Арилар чақади. Хўроз қичқириб, эшак ҳанграб



бўриларни безовта қилади. Охир-оқибат бўрилар аҳил бирoдарлардан зўрға қочиб қутуладилар. Ўз галаларига бориб ваҳима соладилар. Натижада, бутун бўрилар Сусамбилдан қочишга мажбур бўладилар. Ҳайвонлар эса тўкин ҳаёт кечирадилар . Бу эртакда бахтга эришиш осон эмас, аммо эришилган бахтни сақлаб қолиш ундан ҳам қийинроқдир, деган доно фикр ҳайвонлар мисолида мажозий тарзда ўз ифодасини топган. «Овчи, Кўкча ва Доно» эртагида ҳам каптар, сичқон, қарға, тошбақа, кийикнинг дўстлиги уларни бир неча марта

ўлимдан қутқаради. Фақат самимий, беғараз дўстлик оқибатида каптарлар тўрдан, кийик тузоқдан, тошбақа овчи солган халтадан қутулади. Бу фикрлар замирида ҳам фақат дўстликни қадрлаш ғояси ўз ифодасини топган. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг кейинги тури кўпроқ маърифий мақсадни амалга ошириш учун яратилган.




Оталар фарзандларига ўз ҳаёт тажрибаларидан сабоқ беришлари керак. Фарзанд ўз оиласида катта бўлаётгани сабаб атрофида яшаётган ҳайвонлар ҳақида маълумотга эга бўлмайдилар. Тўғри, улар қўй, от, эчки, товуқ, эшакни ўз кўзлари билан кўрганлар, муайян тасаввурга эгалар. Аммо бўри, айиқ, илон, тулки, бургутни улар билмайдилар. Шунинг учун эртакларда уларнинг ҳаёт кечириш тарзи юзасидан муайян маълумотларни бериш лозим бўлади. Бу таснифдаги ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда бўрининг ваҳшийлиги, одамга ҳужум қилиши мумкинлиги, тулкининг айёрлиги, лайлак тумшуғининг узунлиги, кийик думининг тўмтоқлиги изоҳланган асарлар вужудга келган. Дарвоқе, илмий адабиётларда кўрсатилишича, бундай эртакларнинг асосий қаҳрамони сифатида, кўпинча, эчки иштирок этади. Бир қатор эртакларда нима учун қарға қора, кийик думи тўмтоқ, мусича кўкраги нима учун чакичланганга ўхшайди каби саволларга жавоб берилади. Улар қаторида «Бўри билан тулки», «Кийик билан кади», «Хўроз билан тулки», «Лайлак билан тулки», «Бузоқ, эчки ва қўзи» каби намуналар бор. Масалан, «Кийик билан кади» эртагида «Кади кийикни қўрқитади. Кийик кадидан ўч олмоқчи бўлади ва уни думига боғлаб чўктиради. Кади кийикни сув тагига тортади. Кийик қирғоққа интилади. Охири кийикнинг думи узилиб тўмтоқ бўлиб қолади. Кийик думи калталигини масхара қилган барча кийикларнинг

думини бир-бирига боғлаб қўяди-да, «мерган келяпти», - деб қочади. Думи боғланган кийиклар ҳам ҳар томонга қочадилар ва думларидан айриладилар. Шундай қилиб, кийикларнинг думи тўмтоқ бўлиб қолган экан» . Эртакларда болаларнинг ёш хусусиятлари алоҳида эътиборга олинади. Воқеалар қизиқарли, содда, ихчам, изчил, қисқа баён этилиши талаб қилинади. Баъзан бу мақсад кулгили мазмунга эга ҳолда баён этилади. Тулки билан бўрига бағишланган эртакларнинг бирида гўшт тишлаб кетаётган бўридан тулки: «Бўривой, қаердан келаяпсан?» - деб сўрайди. Бўри: «Попдан», - деб жавоб беради ва оғзидаги гўштини тушириб юборади. Иккинчи марта худди шундай вазиятда тулки яна сўрайди. Шунда бўри: «Ғиждувондан», - деб жавоб беради. Кулгили вазият ифодаланган бундай эртакларда, бир томондан, шунчаки ҳазил назарда тутилгандек туйилади. Аммо уларнинг заминида одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати акс этади.

***Чизмаларни ишлаб чиқишда сизга баъзи материалларнинг асослари, сиёҳ, қалам, акварел ва фламастер ёки бошқа бўёқ воситалари ва стол керак бўлади. Санъат моллари дўконидан сифатли қуроллар билан таниш бўлинг. Бу бюджет учун сизга керак бўлади[14].***

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг юқорида қайд этилган уч туридан ташқари қаҳрамонларнинг иштирокига кўра ҳам муайян турлари бор. Хусусан, фақат ҳайвонларгина иштирок этганлари, ҳайвонлар билан одамлар иштирок этгани ва ҳ.з. Хуллас, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар мазкур жанр шаклланишидаги дастлабки намуналарни ташкил этган. Уларда қадимги аждодларимизнинг мифик дунёқараши ўз ифодасини топган. Кейинги намуналарда одамлар ўртасидаги ижтимоий, маиший муносабатлар мажозий усулда ўз ифодасини топган. Уларда, асосан, кўпроқ тарбиявий мақсадлар назарда тутилган. Ва, ниҳоят, бу турдаги эртакларнинг нисбатан кейин

[14] The Fimmaker's Guide to Production Desagn. Vincent LoBrutto.. 2002. Chapter 3/ page 43.

яратилган намуналарида маърифий маълумот бериш мақсади амалга оширилган.

Халқ эртаклари бадиий сўз санъатининг гўзал намунаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга. «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир оч экан, бир тўқ экан...» жумласидан бошланар экан, эртак «мурод-мақсадига етибди» деган якунгача тингловчи диққати воқеаларга тўлиқ равишда жалб этади. Ундан кейин нима бўлади, бу ҳодиса қандай тугайди, деган саволлар тингловчи хаёлини банд этиб туради. Эртакларнинг яшовчанлигига сабаб ҳам уларнинг бадиий мукаммаллиги билан белгиланади. Мазмун жиҳатдан ҳаётнинг турли масалалари эртаклар тематик диапазонини таъминлайди. Уларнинг ҳажми мазмунда ифодаланган воқеалар тизимига, муаммоларнинг ечимига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи эртаклари бир неча дақиқада айтиб тугалланиши мумкин. Айни чоқда гувоҳ замондошларимиз хотирасига ишонсак, бир неча кечалар давомида айтиладиган намуналар ҳам бор. Фольклоршуносликда эртак жанри бугунги кунда аста-секин йўқолиб бормоқда, деган мулоҳазалар йўқ эмас. Аммо 2006, 2009, 2010 йилларда Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятида ўтказилган фольклор экспедициялари бу фикрни билдиришга ҳали эрта эканини ҳам кўрсатди. Талабаларимиз бир қатор эртакларни ҳам ёзиб олишга муваффақ бўлдилар. Бу ижобий ҳолатнинг бош сабабини ҳам эртаклар бадииятидан ахтариш мақсадга мувофиқдир. Аввало, эртаклар сюжети пухта ўйлаб тузилган режага бўйсунади. Ҳар бир воқеа иккинчиси билан узвий боғланади, кейинги лавҳалар аввалгиларидаги тушунчаларни ривожлантириб боради. Эртакларда халқ миллий тилига мансуб сўзлардан ўрнида фойдаланиш сезилади. Айтувчи ўз ҳикоясини содда гаплардан тузилган аниқ фикрлар воситасида давом эттиради. Бу жанрга мансуб асарларда, албатта, қизлар ўн тўрт кунлик ойдан гўзал, йигитлар мард, қиличлар кескир, дастурхонлар очилувчан, хумлар қайнама хусусиятларга эга бўладилар. Эртакларда жуда бой ва турли-турли ўхшатиш, сифатлаш, муболағалар мажмуасига дуч келамиз. Шунинг учун ҳам оғзаки ижодимиз таркибидаги бу асарлар ҳақиқий маънода

қадриятлар намунаси, маданий меросимизнинг ноёб гавҳар – инжулари даражасида эъзозланади.

XIX асрда яшаб, ижод этган даниялик ёзувчи Г.Х. Андерсеннинг шу номли эртаги асос бўлган. М.Махмудов ушбу эртак асосида сценарий ёзиб, унга баъзи бир ўзгартиришлар киритди. Яъни Хитой императорининг саройида бўлиб ўтган воқеа – фильмда Марказий Осиёга кўчирилиб, унга ёрқин характерли персонажлар киритилади. Юмор билан суғорилган қўшиқ эса фильмдаги марказий эпизодларгажозиба бағишлаган. Сценарий муаллифи томонидан киритилган ушбу қўшимчалар асар ғоясига асло зарар етказмаган. Аксинча улуғ адиб яратган эртакнинг таъсирчанлигини янада оширган. Халқаро кинофестивалларда совриндор бўлган Дмитрий Власовнинг “Кулол”, “Оқ товуқ” анимация фильмларида эзгуликка интилиш, сохта, ясама, чиройни эмас, ҳақиқий, ички гўзалликни улуғлаш асосий ғоя қилиб қўйилган. Жонли куй, юракдан отилиб чиққан хониш, ширали овоз ушбу фильмларнинг таъсирчанлигини янада оширган. Бу ғоя тасвирий экранда мультипликация имкониятлари асосида метафора, бўрттириш орқали очиб берилган.



1999 йилда “Булбул” фильми Москвада бўлиб ўтган болалар анимация киноси Халқаро фестивалининг биринчи мукофоти “Олтин балиқ”

билан тақдирланди. Бу каби ўзбек анимацион фильмлари кўплаб халқаро кинофестивалларда, “Олтин гепарт” каби фильмлар танловларида совринлар билан тақдирланди.

***«Фильм учун чизиладиган тасвир қандай бўлишидан қатъий назар, у ҳар доим аниқ ва хаққоний бўлиши билан бир томондан визуал маълумот етказиш учун мўлжалланган бўлиши мумкин»*** [15]**.**

Болажонларимиз кўриши урфга айланган бу каби мультфильмларда боланинг каттага бўлган ҳурматсизлиги ва унинг ножўя ҳатти-ҳаракати орқали ёшларнинг тарбиясига салбий таъсири кузатилмоқда.





Табиий ёруғлик манбалари мухим ажрата эмас ва кичик визуал элементлар, бўлса-да, баъзи одамлар уларга бу кобилиятини изохлаганлар. имаге идрок килинади ўзига хос жихатлари билан факат туфайли мухим ёки арзимас инсон онги. а ёритиш вазифаси ажратиш олдин бадиий ёки ахборот элементлар кайта табиий ёритиш ва шу тасвир кўпрок килиш ўкиб бутун дунё бўйлаб бир неча санъаткорларнинг орзу кайта табиий ёругълик таъсири кўпчилик билан изчил эмас сахналаштириш ва максад хужжатли, оф олиш томошабин эътиборини ўзига хос техник фойдаланиш оркали визуал ахборот айрим жихатлари билан фойдаланиш[16] «Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалам бор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон

[15] P.Ward. Picture Composition for Film and Television 2005. 28
[16] P. Ward. Picture compositon for film and television 2005.137

унутмаслигимиз керак». Бугунги кун ёш авлодига бизнинг маънавиятимизга, урф-одатимиз, умумбашарий қадриятларимизга хос Алпомишдек алпқомат, жасур бўлишни, Зумраддек ҳаёли, иболи, меҳрибон бўлишни, ожизларга кўмак беришни, каттага-ҳурмат кичикка-иззатда бўлишни, бева-бечораларнинг оғирини енгил қилишни ўргатиш лозим. Болалар киноси - болалар ва ўсмирларга мўлжалланган бадиий, ўқув, хужжатлихроникал,



мултипликатсион (расмли ва қўғирчок) фильмлар. Болалар кизикадиган мавзулар акс эттирилади, филм мазмуни уларнинг рухияти ва тилига якин, ёши ва тушунчасига мое бўлади. Болалар киносида (театрдан фаркли) болалар ролини шу ёшдаги болалар ўйнайди. Кино санъатининг махсус сохаси сифатида 1920-30- йилларда ажралиб чикди. Ўзбекистонда биринчи Болалар киноси ("Килич", реж. Й.Азамов) 1935 йилда яратилди. Ўзбек Болалар киноси биринчи кадамиданок замонавий мавзуга мурожаат этди. Овозсиз бу фильмда ёшларни техникани эгаллашга чорлаш мавзуси кўтарилган. Шундан сўнг узок йиллар мобайнида Болалар киноси ишланмади. Замонавий эртак жанридаги "Пахтаой" (К. Ёрматов, 1952) биринчи ўзбек овозли Болалар киноси бўлиб, унда Ўзбек халкининг миллий бойлиги пахтадан нималар олиниши хакидаги илмий далиллар эртак асосида ёритилган. Филмнинг тасвирий воситалари ўша давр техникасидан ўзиб кетган, бунга

муаллифларнинг изчил изланишлари, бой фантазияси, кинематографик ихтиролари туфайли эришилган.



1957 йилда саргузашт жанрида "Сахродаги вокеа" (3. Собитов) фильми яратилди. 60- йиллар ўзбек Болалар киноси тараккиётида юксалиш даври бўлди. "Сен етим эмассан", "Тошкент - нон шахри" (Ш. Аббосов, 1962, 1967), "Нафосат" (Е. Эшмухамедов, 1966), "Олмос" (Д. Салимов, 1966) каби филмлар суратга олинди. 70-80- йилларда ўзбек Болалар киноси нинг мавзу ва жанр доираси кенгайди. Эртак ва саргузашт жанрларида, тарихий ва замонавий мавзуларда филмлар яратилиб, ахлокий маънавий муаммолар ўртага ташланди. "Семург?", "Кундалик дафтар, хат ва биринчи синф ўкувчиси" (Х. Файзиев, 1971, 1985), "Аччик данак" (К. Камолова 1974), "Пойга автомобилидаги жасур болалар", "Шум бола" (Д. Салимов, 1975, 1977), "Комила" (М. Ог?амирзаев, 1981), "Акмал, аждархо ва малика", "Акмалнинг янги саргузаштлари" (Ю. Степчук, 1981, 1983), "Орзулар ог?ушида" (Ф. Зайнутдинов, 1986), "Унсиной" (О. Эргашев, 1987), "Бир мавсумли дахо" (С. Назармухамедов, 1989) каби филмлар шулар жумласидан.

***Аввалига, томошабинлар тасвир харакати хақида хайрон эди. Бу янги турдаги санъат томошабинларга катта таъсир кўрсатди ва бу технологияларни тасдиқлашни талаб қилади, одамларни кўпроқ фақат***

***тадбирда камерани йўналтириш ва тутқич устидан айлантириш фильм ёки ходиса якунланмасдан қизиқтирди***[17].

Ўзбекистон мустакилликка эришгач Болалар киноси да хам кескин бурилиш ясалди. Миллий мавзу, халкимизнинг миллий анъаналари, ватанга мехрмухаббатни ифодаловчи катор филмлар яратилди. Фильмлар ўзбек тилида суратга олина бошлади. Фаол ва иктидорли, миллий рухни, халкчилликни ифода этувчи реж.ларнинг янги авлоди етишиб чикди. Кишлок болалари хаётига бағишланган "Тангалик болалар" (Т. Юнусов, 1991), "Абдуллажон" (3. Мусоков, 1991), "Кулол ва хурмача" (Г. Бзаров, 1991), драматик, детектив элементлар билан ёрилган замонавий, фантастик мусикали комедия "Тилсимой - ғаройиб кизалок" (М. Боймухамедов, 1999) ва "Кичкина табиб" (3. Мусоков, 1999) филмлари сўнгги йиллардаги энг яхши фильмлардан.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Халқ эртаклари ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз, уларни ўқишдан ҳосил бўлган таассуротларингиз юзасидан суҳбат қилинг.
2. Эртакларнинг жанр хусусиятларини моддама-модда айтинг, уларнинг ҳар бирини изоҳланг.
3. Халқ эртаклари – сўз санъатининг намунаси эканини исботланг.
4. Ўзингиз яшайдиган ҳудудда эртак жанри сақланганми? Сақланган бўлса, уларни ёзиб олинг ва нашр қилинган намуналар билан таққосланг.

## ЭРТАК АСОСИДА РАСКАДИРОВКА ИШЛАШ

[17] P.Ward. Picture Composition for Film and Television. 121.

Раскадровка - бу суратга олинаётган фильмнинг эпизоди ва ҳар бир кадрда рўй берадиган воқеа ҳодисаларни кино рассом томонидан чизилган эскизларга айтилади. Раскадровкада ҳаттоки кинооператорнинг қайси нуқтадан туриб кинони тасвирга туширишигача кўрсатилади. Раскадровка қораламалари ва эскизларини яратишда рассом асосан кино қахрамонларининг образлари, ҳолатлари ва кино суратга олинаётган жойнинг қанчалик тўғри танланганлигини ҳисобга олиш керак. Раскадровкани яратиш қильм устида ишлашнинг энг зарур босқичларидан биридир. Фильмнинг раскадровкалари жуда ҳам яхши тайёрланган бўлса, бундай раскадровкалар орқали фильмни суратга олиш жараёни анча осон кечади. Бундан ташқари фильмни суратга олиш жараёни худди - мозаикага ўхшашини эсдан чмқармаслигимиз керак. Фильмни суратга олиш босқичлари худди биз киноларда кўрганимиздек, сценарийда ёзилган воқеа - ходисалар кетма - кет суратга олинмайди.

*Кинорежиссёр хикоянинг ҳар бир жойини хисоблайди, бир қатор том маънодаги вакиллик сифатида жой олади, нима бўлса барчасини кўрсатиб беришга харакат қилади. Балки, ҳар бир белгилар атроф мухит хаётини ва жойини ошкор қилиш учун ишлатидаи. Ўраб турган мухит ва белгини ичига олади. Атроф мухит ва белгилар ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд*[18].



Бизга маълумки, кинорассомининг иши қоралама эскизлар ишлашдан бошланади. Кино воқелиги мос бўлган объект топилганидан сўнг эса раскадровка ишлари давом этади.

Энг аввало “Раскадровка” сўзининг асл моҳиятини англаб олсак. Раскадровка – бу суратга олинаётган фильмнинг эпизоди ва ҳар бир кадрда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни кинорассом томонидан чизилган эскизларга айтилади.

Раскадровка қораламалари ва эскизларини яратишда рассом асосан кино қахрамонларининг образлари, ҳолатлари ва кино суратга олинаётган жойнинг қанчалик тўғри танланганлигини ҳисобга олиш керак. Раскадровка яратиш фильм устида ишлашнинг энг зарур босқичларидан биридир[19].

Раскадровкалар – бу фильмни суратга олиш режалари ҳисобланади. Бу эса бутун бир фильмни суратга олиш гуруҳи учун ўта муҳимдир. Режиссёр раскадровка ишлаш мобайнида унга қайси кадр композициясининг кераклиги, у ёки бу саҳна декорацияси, камеранинг қай йўсинда, қайси томонга йўналтириш ёки фильм қахрамонининг қай ҳолатда бўлиши, қайси томонга юришгача стрелка билан белгилаб қўйилади[20].

Қисқа қилиб айтганда раскадровка режисернинг фильм монтаж жараёнида энг яқин ёрдамчисига айланади. Бу билан раскадровка нафақат рассомнинг, балки режиссернинг ҳам “Йўл харитаси” сифатида кўмаклашади. Фильмни монтаж қилиш жараёнида режиссер раскадровкалардан рақамли кадрларни монтаж қилишда ҳам фойдаланиши

[19] Х.Р.Аминов Фильмнинг тасвирий ечими.- Т.: 2010, 12-бет
[20] Х.Р.Аминов Фильмнинг тасвирий ечими.- Т.: 2010, 16-бет

мумкин. Тўғри тузилган раскадровкалар режиссерга, операторга, актёрга, хаттоки махсус эффект гуруҳи аъзоларига фильмни суратга олишда қандай тайёргарлик кўришигача кўрсатиб беради[21].

***Бундай образда, энг тўғри маъно ёки ғоясини етказиш учун тадбирлар, оператор хисобга визуал ташкилотнинг барча элементларини олиши керак. У бир трекни қуриш учун харакат қилса, камера оператори "автоматик ўрнатиш" режимидан фойдаланади***[22].












[21] Х.Р.Аминов Фильмнинг тасвирий ечими.- Т.: 2010, 23-бет

[22] P.Ward. Picture Composition for Filmand Television 13.




Масалан; шундай эпизодлар бўладики уларни суратга олиш учун махсус рухсатномалар керак бўлади. Бу сингари эпизодларни суратга олишда тарихий обидаларнинг ички интерьеридан ёки унинг ташқи кўринишидан фойдаланиш керак бўлади. Бу каби жойларга махсус рухсатномалар учун қайта - қайта мурожат қилмаслик учун шу ерда кечадиган барча эпизодларни бир маротабада суратга олиш керак бўлади. Шунинг учун режиссер бу каби эпизодларни олдиндан билиши керак. Бунинг учун эса фильмнинг ҳар бир кўринишининг олдиндан чизилган қораламалари яъни "раскадровкалар" керак бўлади. Раскадровкалар - бу фильмни суратга олиш режалари ҳисобланади. Бу эса бутун бир фильмни суратга олиш гурухи учун ўта мухимдир. Раскадровкалар ёрдамида қайсики бутафория қандай жараёнда ишлатилиши режалаштирилади, ёки қайси сахнада каскадерларни таклиф этиш, қайси саҳнада махсус эффектларнинг қачон ва қай тарзда ишлатилишигача режалаштирилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек яхши ишланган раскадровкалар орқали фильмни суратга олиш жараёни жуда осон кечади.







Бундай вақтда режиссер раскадровка ишлаш мобайнида унга қайси кадр композициясининг кераклиги, у ёки бу саҳна декорацияси, камеранинг қай йўсинда, қайси томонга йўналтириш ёки фильм қахрамонининг қай

ҳолатда бўлиши, қайси томонга юришгача стрелка чизиқлари билан белгилаб қўйилади.

***«Фильм учун чизиладиган тасвир қандай бўлишидан қатъий назар, у ҳар доим аниқ ва хаққоний бўлиши билан бир томондан визуал маълумот етказиш учун мўлжалланган бўлиши мумкин»*** [23]**.**




Умуман олганда актерларнинг қўлида сценарийлари, продюсерларнинг қўлида суатга олиш жараёнининг режалари, рассомларнинг қўлида эса суратга олинаётган фильм учун раскадровкалар бўлиши керак бўлади. Биз бир нарсани эсдан чиқармаслигимиз керак, бу раскадровкалар, операторга ёки актерларга фильм хақида тушунтириш учун эмас , балки биринчи

---

[23] P.Ward. Picture Composition for Film and Television 2005. 28

навбатда бизга кино рассомлар учун керак бўлади, нега деганда бу раскадровкаларни биз яратамиз, ва уларни кўпроқ биз тушунамиз.




Раскадровка яратиш жараёнида ҳар бир саҳна кўринишига, эпизодга, кадр тасвири қораламаларини тайёрлаш керак бўлади. Фильмни суратга олиш жараёнида, қачон, қаерда, катта ёки умумий планда тасвирлаш лозим, қандай вақтда фильм қахрамонининг образини яратаётган актер юз қиёфасини катта планда тасвирлаш кераклигини ёддан чиқармаслигимиз керак бўлади.Раскадровка кўринишлари асоасан қоғозга наброска ва қораламалар ишлашдан бошланади.




